

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Маълумки Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2009 йил 21 декабрдаги 64/200-сонли резалюциясига асосан “13 октябрь - Халқаро табиий оғатлар хавфини камайтириши куни” деб белгиланган бўлиб, мазкур сана дунёning барча мамлакатларида кенг нишонланади.

Айтиб ўтиш жоизки, бу кунда дунё майдонида содир бўлган йирик фавқулодда вазиятлар, улар оқибатида ҳалок бўлганлар хотирланиб, содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш борасида олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинади.

Кувонарлиси, мазкур санада доимий кузатишлар натижасида маълум бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда амалий тадбирларни ўз ичига олган янги лойихаларга асос солинади ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида муҳим дастурлар ҳаётга татбиқ этилади.

Юртимиизда ҳам Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан табиий оғатлар хавфини камайтириш борасида салмоқли ишлар бажарилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 13 октябрь куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан “Халқаро табиий оғатлар хавфини камайтириш куни”га бағишилаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва республикамизнинг барча вилоятларида “Фуқаро муҳофазаси тадбирлари” ўтказилди.

Мазкур тадбирларга Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Қизил Ярим Ой Жамияти, “Ўзгидромет” маркази ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар, уларнинг ҳудудий бошқармалари вакиллари жалб этилди.

“Халқаро табиий оғатлар хавфини камайтириш куни”га бағишилаб ўтказилган “Фуқаро муҳофазаси тадбирлари” юқори савияда ўтказилиб, тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ўқувчиларда экстремал ҳолатларда тушқунликка тушмасдан тўғри қарор қабул қилишга, улар онгига фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид тушунча, билим ҳамда кўникумларини янада шакллантиришдан иборат бўлди. Тадбирлар давомида ўқувчиларни “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” фанидан олган билимлари янада мустаҳкамланди.

Хусусан, Тошкент шаҳрини М.Улуғбек туманидаги 64-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган “Фуқаро муҳофазаси куни” ҳам барчага бирдек манзур бўлди.

Тадбирнинг дастлабки қисмида тантанали йиғилиш ўтказилди. Сўнгра Фуқаро муҳофазаси бўйича очик ва кўргазмали дарсларга навбат берилиб, биринчи синфдан тўққизинчи синф ўқувчиларига зилзила, сел, сув тошқини, кўчки ҳодисалари экологик муаммолар, кучли таъсир этувчи захарли моддалардан захарланиш, ёнгин, транспорт авариялари каби табиий ва техноген

хусусиятли фавқулодда вазиятлар таснифи борасида ўкув машғулотлари қизиқарли тарзда ўтказилди.

Сценарийга биноан навбат эвакуация тадбирига берилди. “Дикқат барчага!” сигналини англатувчи 3 та қўнгироқдан сўнг ўқитувчи ва ўқувчилар, ишчи-ходимлар бинодан эвакуация қилиниб, мактаб ҳовлисидағи йиғин жойига гурӯҳлар бўйича сафланишди. Ўқитувчилар ўз синфидаги ўқувчиларни йўқлама қилиб, Фуқаро муҳофазаси штаб бошлиғи – директор ўринбосарига ахборот беришди. Фуқаро муҳофазаси штаб бошлиғи ўз навбатида мактаб директори – Фуқаро муҳофазаси бошлиғига умумий ўрта таълим мактаб ходимлари ва ўқувчилари “Фуқаро муҳофазаси куни” тадбирини ўтказиш учун сафланганликлари тўғрисида ахборот берди.

Тадбирнинг кейинги қисмда Ёнгин хавфсизлиги вакиллари томонидан дастлабки ёнгин ўчириш воситалари ёрдамида ўтни ўчириш ҳаракатлари намойиш этилди. Шунингдек, ёнгин содир бўлганда тўғри ҳаракатни амалга ошириш борасида тушинчалар берилди. Қизил Ярим Ой Жамияти вакиллари томонидан эса фавқулодда вазиятлар даврида жароҳатларгандарга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида амалий ҳаракатлар намойиш этилди.

«Ёш қутқарувчилар» клуби аъзоларининг кўргазмали чиқишилари ҳам барчанинг дикқат эътиборига сазовор бўлди. Шундан сўнг тадбир иштирокчиларига фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ва уларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича хужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбир якунида викторина савол-жавоблари ўтказилиб, ғолиблар ва бадиий дастур иштирокчиларини тақдирлаш тантанаси бўлиб ўтди.

ФВВ Матбуот хизмати